XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 2 - iyul VI-36-186-3-0-K/22 Jizzax viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги 123-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 3 майдаги КҚ-224-IV-сонли қарорларига асосан вилоятда минтақавий йўлларни ривожлантириш учун ёқилғи бирлигидан ундириладиган махсус йиғимни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги 123-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 3 майдаги КҚ-224-IV-қарорларига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузурида тузилган Минтақавий йўлларни ривожлантириш учун ёқилғи бирлигидан ундириладиган махсус йиғим миқдорини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан билдирилган таклифларни ҳамда Молия вазирлигининг 2021 йил 18 октабрдаги 03/06-01-32/1958-сонли хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимяти тўғрисида”ги қонуннинг 6- ва 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021йил 3 майдаги “Минтақавий йўлларни ривожлантириш учун ёқилғи бирлигидан ундириладиган махсус йиғимни белгилаш, уни тўлаш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги КҚ-224- IV-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5890-сонли фармони ҳамда вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан шакллантирилган таклифларни инобатга олиб, вилоятда автомобилга ёнилғи ҳамда газ қуйиш станциялари томонидан автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газни охирги истеъмолчиларга реализация қилишда ёқилғи бирлиги учун минтақавий йўлларни ривожлантиришга йиғиладиган махсус йиғим миқдори маъқуллансин, бунда махсус йиғим миқдори автомобиль бензини, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газнинг 1 литри учун ҳамда сиқилган газнинг 1 метр куби учун 25 сўм этиб белгилансин.

3. Махсус йиғимни йиғиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 3 майдаги КҚ-224- IV-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилсин.

4. Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси (Б.Ташпулатов):

махсус йиғимнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва Жиззах вилояти ҳокимлиги Молия бош бошқармаси ҳузуридаги “Автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармаси”га белгиланган муддатларда тўланиши устидан назорат олиб бориш; махсус йиғимнинг ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқлангандан сўнг солиқ идоралари томонидан белгиланган тартибда махсус йиғим тўловчиларига етказилиши ҳамда ҳисоботни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кедексига мувофиқ амалга оширилиши инобатга олинсин.

5. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) Жиззах вилояти ҳокимлиги Молия бош бошқармаси ҳузуридаги “Автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармаси” билан биргаликда маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширсин.

6. Вилоят ҳокимлиги ҳузурида тузилган Минтақавий йўлларни ривожлантириш учун ёқилғи бирлигидан ундириладиган махсус йиғим миқдорини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳга:

махсус йиғим миқдорини белгилаш тўғрисидаги таклифларини ҳар йили 1 мартга қадар вилоят ҳокимлигига келишиш учун киритиб борсин.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Мустанов), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Б.Назаров) ҳар йилги минтақавий йўлларни ривожлантириш учун ёқилғи бирлигидан ундириладиган махсус йиғим миқдорини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили 15 майга қадар Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиб борсин.

8. Махсус йиғим миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор кейинги йил учун махсус йиғим миқдорини белгилаш ва (ёки) бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар амал қилиши белгилаб қўйилсин.

9. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Назаров ва назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**